



TOP-CONFERENCES

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

Тижорат Банкларида Муаммоли Активлар ва Уларни Бошқариш Тартиби

Очиллов Жасур Муртозович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти, Тошкент, Ўзбекистон

Кредит бериш механизми уйғунлигини таъминлашга қаратилган амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар қоидаларига деярли риоя этмаган ҳамда иш юритилиши, кредитлаш босқичларининг қарздор характериға доир маълумотларни тўплаш, қарз олишға бўлган лаёқатини, ҳуқуқини, маблағлар мавжудлигини, таъминот, назорат ва шарт-шароитлар таъсирини ўрганмаслик, мажбурият ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий таҳлил этиш тартибининг йўқлиги ҳамда мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талаблари амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги кузатилиб муаммоли кредитлар юзага келиши учун шарт-шароитлар яратмоқда. Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарға ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериш бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувиға бериладиган ҳисоботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, риск баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиб беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди. Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, ҳудудий жойлашиш ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларни катта зарарларға қўйиши мумкинлиги таъкидланади. Ёки мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитға лаёқатлилик кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иш йўналишлар бўйича аниқ маълумот ва ҳужжатларға эга бўлиши ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча, банкларни катта рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган

кредитни концентрациялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки кредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, инфраструктурани такомиллаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш учун биринчи навбатда уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш, ликвидликни таъминлаш ҳамда даромадлиликни ошириб бориш лозим бўлади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан активлар ва пасивларни тўғри бошқарилиши талаб этилади. Активларни тўғри бошқара олмаган банкларда муаммоли активлар вужудга келади. Айнан муаммоли активлар банк ликвидлиги, даромадлиги ҳамда уларни ресурс базаларига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу боис уларнинг камайтириш, бугунги кунда тижорат банклари олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Жаҳон банк тизимида юзага келаётган бугунги кундаги ҳолатлар уларни банк бозорида эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш зарурлигини белгилаб бермоқда. Айнан банк активларини бошқариш масалаларини муҳим муаммолардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳар қандай давлатнинг банк соҳасида муаммоли активларнинг мавжудлиги, бу соҳада уни бошқариш масаласи бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Жаҳон банк амалиётида муаммоли активларни бошқариш, уларни олдини олиш ва маълум бир тизимга солиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, айрим олимлар муаммоли активларни юзага келишини бу бевосита муаммоли кредитлар билан баҳолайдилар (В.Monfort and С.Mulder (2000)). Уларнинг фикрича, банклардаги муаммоли активлар – бу кредитлар деб ҳисоблашади. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар муаммони юзага келишини бу банк бошқарувидаги тажрибани етмаслиги билан изоҳлайди (Thakor A.V. (1996b)).

Лаврушин О.И. ва бошқалар (2008) ўзларининг тадқиқотларида банк активлари – тўлиқ мулклар ва ҳуқуқлар қайсики, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан вужудга келган, улардан актив операцияларда кредит муассасалари фойдаланади деб таъкидлаган. Актив операцияларидан банклар фойда олади. Бу операциялар ҳисоби банкларнинг актив ҳисоб рақамларида юритилади. Айнан фойда даражасининг тушиб кетиши муаммоли активлар ҳисобидан юзага келади.

Олиб борилган тадқиқотларда муаммоли активларни “стресс активлар” сифатида баҳолайдилар (<https://www.ifc.org>). Бизга маълумки жаҳон-молиявий иқтисодий инқирозидан сўнг, банклардаги муаммоларни ечимини топишда асосий эътибор стресс тестларга қаратилди. Бу эса банк амалиётида кўплаб муаммоли масалаларни ҳал этиш имконини берди.

Рублева муаммоли кредитларни -тижорат кредитларида керагидан ортиқча кредитлар берилиши, ишончсиз миждозларга кредитлар берилиши, гаров таъминоти учун ноликвид мулклар олинishi ҳисобига вужудга келади деб таъкидлаган. Муаллиф фикрича, муаммоли қарздорликларни камайтириш учун уни вужудга келган захотиёқ маълумотлар тўплаши ва уларни коллекторлик агентлигига бериши лозим. Коллекторлик агентлигида юқори амалий тажрибага эга бўлган юристлар ишлайди. Улар миждоз билан учрашиб, қарздорликни қайтаришни, агар қайтармаган ҳолатда қонунчилик бўйича нима чоралар кўрилиши хусусида тўлиқ тушунчалар беради. Шу боис уларни банк ходимларига нисбатан миждозлар эшитади ва сўзларига амал қилиб иложи борича қарздорликни қайтариш ҳаракатига тушишини асослаб беради. Муаллиф муаммоли активларни олдини олишда коллекторлик

агентлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини илгари суради (Рублева (2012)).

Ш.Абдуллаева фикрича тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар – бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир. Тижорат банкларининг кредит портфелида сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар дейилади. Олиманинг фикрича, муаммоли кредитлар одатда қарз олувчининг кредитни тўлаши учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар мижознинг ҳисобварағида маблағи бўлатуриб кредитни тўлашни хоҳламаганда ҳам юзага келади. Пул маблағлари етишмовчилигининг ички ва ташқи белгилари бўлиши мумкин. Кредит бўлими ходимлари шу белгилар юзага келишини биринчи бўлиб сезмоқликлари ва банкнинг кредит бўйича йўқотишларидан сақловчи чегара бўлишлари лозим. Улар банк ва мижоз манфаатларини сақлаб қолган ҳолда, бу молиявий қийинчиликлардан чиқиш йўллари ишлаб чиқишга ёрдам беришлари, мижоз фаолиятида муаммолар юзага келган вақтдан бошлаб мижозга ёрдам беришлари, уларга таъсир кўрсатишлари зарур. Бунинг учун банк доимо мижозни фаолиятидан бохабар бўлиши, ўзи учун ахборотлар йиғиб таҳлил қилиб бориши ижобий натижа беради (Абдуллаева (2017)).

Амалиётда кредит бўлими мутахассислари ҳар доим ҳам мижозни ҳолати ёмонлашиши билан, бу хусусидаги маълумотларни кредит қўмитасига маълум қилмайдилар ва зарурий чоралар кўрмайдилар. Мижозга имкон бериб ҳолати яхшиланишини кутадилар. Бу муаммоли кредитни янада муаммога айланишига хизмат қилади. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун эса банк ички аудити томонидан доимий тарзда кредит бўлими фаолияти текшириб турилиши талаб қилинади. Муаммоли кредит вужудга келганда мутахассис томонидан уни келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ўрганилиши лозим ва ўрганиш натижаларини кредит қўмитаси муҳокамасига қўйиш керак. Кредит қўмитаси муаммоли кредит билан ишлаш чораларини кўради.

Тадқиқотчи Хайдаров фикрича муаммоли кредит – кредит рискларини амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ва субъектив сабабларга кўра кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида, субстандарт, шубҳали, умидсиз кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитлар деб таъкидлаган (Хайдаров (2013)).

Бугунги кундаги Ўзбекистон тижорат банклари учун муаммоли кредитлар билан ишлаш тартибини белгиловчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2015 йилдаги №2696 сонли низомига асосан муаммоли активлар - сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлардир дея таъриф берилган.

Иқтисодчи олим Б.Бердияров тижорат банклари активлари ва актив операциялар хусусида тўхталиб, уларни моҳиятини қуйидагича ёритиб берган:

Тижорат банклари активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари, банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активлари таркибини самарали шакллантиришда маълум бир муаммоларга учрайдилар. Банк активларининг сифати аввало, активларнинг мақсадга мувофиқ тузилишига, ликвидлигига, актив операцияларнинг диверсификациясига, активларнинг рисклилиги даражасига, муаммоли активларнинг салмоғига ва активларнинг

ўзгарувчанлик сифатларига боғлиқ (Б.Бердияров (2017)).

Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими жуда ҳам мураккаб тизим бўлиб, унинг амал қилишига энг жиддий таъсир қиладиган омиллардан бири инсон омили ҳисобланади. Чунки бундай кредит учун масъул бўлган кредит ходими айнан у шуғулланаётган ссуда билан муаммолар юзага келганида банкни қийин аҳволга солиб қўйганидан кўрқиб, “вахима(хавотир) сигналлари” ҳақида эълон қилмайди. Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча ходимлар яшираётган муаммоли ссудалар ҳатто, улар ўйлаганларидан ҳам ёмонроқ ҳолатни келтириб чиқаради. Лекин банк раҳбарияти ўз кредит портфели муаммоларидан хабардор бўла туриб уларни яширса ва шу билан бир пайтда ундан келадиган зарарни рискли кредитлар бериш ва спекулятив операциялар эвазига қоплашга уринса, аҳвол бундан ҳам ёмонлашиши мумкин.

Бундай вазиятлардан қочиш мақсадида банклар кредит бўлими ходимлари яширишга уринаётган ёки эътиборсиз қолдириб кетган муаммоли кредитларнинг белгиларини аниқлаш учун кредитларни даврий, мустақил ва обектив текширадиган ички аудит текширувларини ташкил этадилар. Тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан олиб борилган текширувлари ҳам кўпинча аҳамиятсиз қолдирилган муаммоли ссудаларни аниқлашга ёрдам беради. Кредит рискларини самарали бошқариш жараёнида банкнинг ички назорат тизими муаммоли кредитларни энг биринчи аниқловчи тизим сифатида амал қилади.

“Хавотир сигналлари”: агарда мижоздан молиявий ҳисобот маълумотларининг олиними асоссиз равишда кечиктирилса, айниқса, кредит шартномасида талаб қилинган маълумотларни олиш даври белгиланган муддатларда олиними шarti кўрсатилган ёки назарда тутилган бўлса номолиявий хавотир сигналлари юзага келади ва хавотир сигналлари шундай вазиятларни англатади. Мижозлар томонидан маълумотларни кечиктириш сабабларини тушунтиришга уринишнинг ўзи муаммоли кредит белгиларининг намоён бўлганини англатади.

Бошқа номолиявий белгилар мижоз фаолиятида режаларнинг бирдан ўзгариши, компания раҳбарияти таркибида қутилган радикал ўзгаришларнинг содир бўлиши ёки қарз олувчи бозорида ноқулай тенденцияларнинг ривожланишидан иборат бўлиши мумкин. Юқоридаги каби у ёки бу салбий оқибатлар натижасида мижознинг молиявий ҳисоботларининг кечикиш сабабларини бирма-бир банкка тушунтириб ўтириш мижознинг хоҳиши эмас албатта ва бу эса, банк ва мижознинг ўзаро алоқаларида бўлиши лозим бўлган ишонч ва ҳамкорликнинг рад этилишига сабаб сифатида баҳоланиши мумкин. Энг ёмони, мижознинг бу сабабларни очиқ ойдin тушунтиришни хоҳламаслиги қандайдир кўнгилсиз маълумотнинг яширишга ҳаракат қиладиганлигига хизмат қилиши мумкин. Ва аксинча, баъзан мижоз ўзининг у ёки бу маълумотларини беришни рад этиш сабабларини рақобатчилардан ҳимояланиш мақсадида қилганлигини важ қилиб ўзини оқлаши ҳам мумкин.

Муаммоли кредитнинг молиявий белгилари молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш натижасида намоён бўлиб қолиши мумкин. Фақат бундай ҳолларда кўнгилсиз воқеалардан қочиб бўлмайди. Муаммоли кредитларнинг молиявий белгилари қарз олувчига берилган кредитларни модификация қилиш орқали намоён бўлиши мумкин. мижозларнинг кредит муддатларини узайтириш ёки овердрафт кредитларига қўйилган лимитларни ўстириш тўғрисидаги илтимослари пул маблағлари ҳаракатининг меъёрида эмаслигидан далолат бўлади. Кредитнинг шартлари кредитнинг мақсадига мувофиқ келиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Monfort, B. and C. Mulder (2000): “Using Credit Ratings for Capital Requirements on Lending to Emerging Market Economies: Possible Impact of a New Basle Accord,” Forthcoming IMF working paper
2. Thakor, A.V. (1996b): “Capital Requirements, Monetary Policy, and Aggregate Bank Lending,” *Journal of Finance*. 51(1), 279–324
3. Под ред. проф. О.И.Лаврушина. Банковское дело.-М.: КНОРУС, 2008 г.- С. 303
4. [https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/f33e340048fc6638b509bd849537832d/Russia CR-NPL-SurveyReport](https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/f33e340048fc6638b509bd849537832d/Russia_CR-NPL-SurveyReport)
5. Рублева (2012) “Инструменты управления проблемной задолженностью банков” статья // www.google scholar. Академия Google.
6. Zokir Mamadiyurov, Nilufar Sultanova, Samariddin Makhmudov, Shoh-Jakhon Khamdamov, Luiza Mirpulatova, and Akbar Jumayev. 2024. The Impact of Digitalization on Microfinance Services in Uzbekistan. In Proceedings of the 7th International Conference on Future Networks and Distributed Systems (ICFNDS '23). Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 453–463. <https://doi.org/10.1145/3644713.3644780>
7. Абдуллаева (2017) “Кредит ва кредитлаш амалиёти”.-Т.: Иқтисод-молия, -Б. 225-228
8. Хайдаров (2013) “Тижорат банкларида муаммоли активларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш”- Т., - 92 б.
9. Zokir Toshtemirovich Mamadiyarov. 2022. Risk Management in the Remote Provision of Banking Services in the Conditions of Digital Transformation of Banks. In Proceedings of the 5th International Conference on Future Networks and Distributed Systems (ICFNDS '21). Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 311–317. <https://doi.org/10.1145/3508072.3508119>
10. Б.Бердияров (2017) “Банк активлари ва пассивларини бошқариш” фаниданўқув-услубий мажмуа - Т.: Молия, -326 б.